

ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИ ТАРЖИМАЛАРИГА БИР НАЗАР

Шерматова Умида Сапаевна

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат
педагогика институти Ўзбек тили ва
адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация : Ушбу мақолада Чўлпон шеърларини рус тилидаги таржималари таҳлил этилган бўлиб, Баҳодир Аҳмедов ва Николай Ильинлар таржимасидаги “Гўзал”, “Қаландар ишқи” шеърларининг ютуқ ва камчиликлари ёритилиб берилган.

Калит сўзлар: жаҳид адабиёти, таржима санъати, бадиий бўёқдорлик, шакл ва мазмун бирлиги, сўз қудрати ва жозибаси, маҳорат.

Ўзбек мумтоз адабиётида таржима билан шуғулланиш бир неча асрлик тарихга эга. Юсуф хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридан тортиб Хосият Рустамова шаърияти билан танишган жаҳон адабиёт аҳли минг таассуфки, Чўлпон назмидан етарли даражада баҳраманд бўлган эмас. Бунинг бир қанча сабаблари бор.

Жаҳид адабиётининг чет элда ўрганилиши юзасидан тадқиқотлар олиб борган олима Зулхумор Мирзаева тақдим этган маълумотларга кўра, Чўлпон шеърларидан намуналарни туркиялик чўлпоншунос олимлар – Иброҳим Ёрқин, Саодат Чигатой турк тилига, Арслон Субутой шоирнинг «Гўзал Фарғона» («Гўзал Туркистон»), Йоханнес Бензинг «Турмушми бу?» шеърларини немис тилига ўгиришган. Англиялик Олаф Кероу, америкалик Эдворт Оллворт ва Жон Маккейнлар Чўлпон шеърларини инглиз тилига таржима қилганлар.¹ Шуниси эътиборлики, инглиз тилига таржима қилинган шеърларнинг тадқиқи ва талқини З.Мирзаева томонидан моҳирона амалга оширилган.

¹ Мирзаева З., Шарқ юлдузи журнали, 2010 йил, 1-сон, 146-бет.

Чўлпон ижодини рус тилига ўгириш ишлари ҳам ҳали яхши йўлга кўйилмаган. Тўғри, 2009 йилда Абдулхамид Исмоилов ва Баҳодир Аҳмедовлар таржимасида “И звучит мой саз” номли тўплам Москвада нашрдан чиққан. Таржимоннинг маълумот беришича, мазкур тўплам шоирнинг номи оқлангач, 1988 йилда тайёрланган. Лекин шоир номи оқланса-да, унинг ижодини ташвиқ ва тадқиқ қилиш ишларига рухсат берилмаганлиги тайёрнинг ишнинг 2009 йилга келгачгина дунё юзини кўришига сабаб бўлган. А.Исмоилов сўзларига кўра, Чўлпон ижодини ўрганиш ва рус тилига таржима қилиш шоирнинг ўзи яшаган замондаёқ бошланган (Лидия Соцердовяцова таржима қилишга уринган), лекин катагон даврида бу ишни амалга ошириш ақл бовар қилмас ҳодиса эди.

Тўпламга Чўлпоннинг 100га яқин шеърлари, “Кеча ва кундуз” романи, “Ёркиной” драмаси киритилган.

Чўлпоннинг 2020 йилда Николай Ильин томонидан 50 яқин шеърлари таржима қилиниб, “Мгновения любви” (“Севги лаҳзалари”) номи билан “Машхур-пресс” нашриётида чоп этилди. Тўпламдан шоирнинг “Халк”(“Народ”), “Кураш” (“Борьба”), “Бинафша” (“Фиалка”), “Гўзал” (“Прекрасная”), “Қаландар ишқи” (“Любовь каландара”) каби машхур шеърлари жой олган.

Таржима санъати ҳақида Улуғбек Ҳамдамнинг “...тўғри ва баланд таржима аслият руҳини сақлаб қола олган таржимадир,”² - дея билдирган фикри эътиборга молик.

Чўлпон шеърларини таржима қилишга киришган ҳар қандай таржимон шоирнинг “Гўзал” шеърига бефарқ қарамаган. Мазкур шеърининг русчага ўгирилган 2 хил варианты бор. Таржималардаги услубнинг ўзига хослиги, бирининг иккинчисига ўхшамаслиги, бир томондан, уларнинг таржима соҳасида индивидуал таржима услубига эга эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан Чўлпон шеърининг икки хил кўринишда ўгирилиши

² Hamdamov U. Jahon adabiyoti: modernizm va postmodernism.-T.: “Akademnashr”, 2020, 86-bet.

шоирнинг лирик кечинмасини, рухий ҳолатини, ички дунёсини, қалбида алангаланган эҳтиросини янада теранроқ англаш имконини беради.

Ҳар иккала таржимон шеърнинг асосий мазмунини сақлаган. Сатрлардаги моҳиятни ўз маҳорати, тушунчасига мос ўгирган ва ҳар қайси таржимада ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Лекин мисраларга юклатилган маънони таъсирчан ифодалаш мақсадида, танланган сўз эквивалентлари, улардаги мазмуннинг ёритилиш доираси ва бадий эстетик таъсири, образли табиати, энг муҳими, бадий бўёқдорлиги, аслиятдаги маънони тўлиқ бериш, шеърдаги шакл ва мазмун бирлигини сақлаб қолишга интилиш таржималар ўртасидаги умумийлик билан бирга, муайян фарқни юзага келтирган.

Фикримиз исботи учун шеърнинг таржимасини қиёслаб кўрайлик:

Баҳодир Аҳмедов томонидан таржима қилинган мазкур шеър номи “Красавица” дея ўгирилган бўлса, Николай Ильин шеърни “Прекрасная” деб номлаган. Аслида рус тилида *красавица* ва *прекрасная* сўзлари синоним ҳисобланади, фақат *прекрасная* сўзи образлилиги билан *красавица* сўзидан фарқланади.

Шеърнинг дастлабки бандини кўриб чиқайлик:

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен,
Ул юлдуз уялиб, бошини букуб,
Айтадир: мен уни тушда кўрамен.
Тушимда кўрамен — шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал! ³

В час полночный, свой взор к небесам устремив,
У ярчайшей из звезд я спрошу о тебе.
И ответит, и взгляд ее будет стыдлив:
“Я красавицу видела только во сне.

³ Чўлпон. Танланган асарлар. 4 томлик. 1-том.: -Т.: “Akademnashr”, 2016, 31-бет

И завидуют звезды, и день, и луна
Красоте ее – вот как прекрасна она!”⁴

Мой взгляд в темноте к небесам устремив,
У чудной звезды я спросил про тебя.
Она, от смущенья глаза опустив,
Сказала: “Во сне так прекрасна она,
Прекрасней, чем звезды, светлей чем луна!..”⁵

Биринчи мисрадаги энг ёруғ юлдуз бирикмаси Б.Аҳмедов таржимасида ярчайшей из звезд, Н.Ильин таржимасида чудная звезда дея тараннум этилган. Ҳар икки ҳолда ҳам мазкур бирикма рус тилида чиройли тасвирланган. Уялиб сўзи Б.Аҳмедов таржимасида *стыдлив*, Н.Ильин таржимасида *смущенья* тарзида ўгирилиши ҳам шеър мазмунини тўлиқ очиб беришга хизмат қилган.

Банднинг охирги икки мисраси баён этилган фикрни ўзига хос хулосалайди – нақорат кўринишини олади.

Тушимда кўрамен — шунчалар гўзал,

Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал! – мисралари Б.Аҳмедов таржимасида “завидуют звезды, и день, и луна” тарзида ўгирилган бўлса, Н.Ильин таржимаси ҳам “Прекрасней, чем звезды, светлей чем луна!..” тарзида ўгирилиб ўзига хос жозибадорлик касб этган.

Чўлпоннинг аруз вазнида ёзган “Қаландар ишқи” шеъри ҳам таржимонлар диққатни ўзига тортиши табиий. Шеър китобхонга шоирнинг муҳаббат изтиробларини ипга терган каби баён этиши билан қадрли. Замира Эшонова асарни эски шакл билан янги руҳда ёзилган шеър, ошиқ қалбнинг фавқулодда тиниқ суврати, адашиш ва алданиш кўшиғи⁶ дея эътирофида нақадар ҳақли. Арузда ёзилган шеър бармоқ вазнида ёзилган шеърга нисбатан таржимада анча мураккаблик туғдиради. Чунки вазн талабининг

⁴ Чулпан. Мгновения любви. Составитель и переводчик Н.Ильин. –Т.: “Mashhur-press”, 2020, с.28

⁵ Чулпан. Стихи. Перевод с узбекского Б.Ахмедова «Звезда Востока», №4, апрель 1993

⁶ Эшонова З. Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилғуси... Жаҳон адабиёти, 1997 й., 1-сон, 161-бет

Ўзиёқ шеър моҳиятини очиб беришга хизмат қилади. Буни ўзга тилга таржима қилишда ҳисобга олишнинг эса сира иложи йўқ. Шеърнинг дастлабки таржимаси Баҳодир Аҳмедов томонидан амалга оширилган бўлиб, “Песня странника” дея номланган. Рус тилидаги *странник* сўзи қаландар сўзидаги луғавий мазмунни англата олмайди. Балки шунинг учун ҳам Николай Ильин томонидан таржима қилинган вариантида таржимон аслиятга яқинроқ бўлишга интилган ва шеър номи айнан таржима қилинган (“Любовь каландара”).

Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,
Асрлик тош янглиғ бу хатарли йўлда қотдим-ку.

Карашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлкини бордир,
Ҳалокат бўлғусин билмай қулочни катта отдим-ку.⁷

Дворец любви был так просторен, что потерял дорогу я.
И словно камень вековечный, душа застыла в нем моя.
И в море легкого кокетства, на волнах нежности качаясь,
Я о несчастиях грядущих не думал, не подозревал.⁸

У любви дворец необъятен, в нем дорогу я потерял,
И застыв на пути опасном, я как будто бы камнем стал.

Мне открылись моря кокетства и обилье капризных волн,
Но того, что здесь ждет гибель, в своей дерзости я не знал.⁹

Кўриниб турибдики, иккала таржима ҳам таҳсинга сазовор. Б.Аҳмедов таржимасида иккинчи мисрадаги *хатарли йўл* сўз бирикмаси биргина *дорога*

⁷ Чўлпон. Танланган асарлар. 4 томлик. 1-том.: -Т.: “Akademnashr”, 2016, 60-бет

⁸ Чулпан. Стихи. Перевод с узбекского Б.Ахмедова «Звезда Востока», N4, апрель 1993

⁹ Чулпан. Мгновения любви. Составитель и переводчик Н.Ильин. –Т.: “Mashhur-press”, 2020, с.46

(йўл) дея ўгирилган бўлса, Н.Ильин таржимасида эса *путь опасный* дея ушбу сўз бирикмасини сақлаб қолишга эришилган. Лекин *асрлик тош* бирикмасини Н.Ильин биргина *камень* (тош) деб таржима қилса, Б.Аҳмедовнинг *камень вековечный* дея таржима қилиши аниқликни таъминланган. Иккала ҳолда ҳам биттадан сўзнинг таржимаси қилинмаганлиги рус тилида ғазал жанрида ёзилган асар таржимасининг мукамал бўла олмаслигидан далолат беради.

Иккинчи байтдаги *нозлик тўлқини* сўз бирикмаси Б.Аҳмедовда *волны нежности* деб таржима қилинган бўлса, Н.Ильин таржимасида *капризные волны* кўринишида ўгирилган. Қулочни катта отдим бирикмаси ҳам иккала таржимада *на волнах нежности качаясь* (Б.Аҳмедов), *мне открылись* (Н.Ильин) дея ўгирилиши шоир тасвирини айнан очиб бера олмаган. Умуман олганда эса, иккала таржимада ҳам шоир изҳор қилган фикр, ошиқ аҳволи тасвирини тўлиқ ёритишга ҳаракат қилинган.

Кўриниб турибдики, Баҳодир Аҳмедов ўз таржимасини тушунарли ва содда тилда беришга интиланган. “Бадий асарни содда, халқ тушунадиган тилда ифодалаш давр адабиётининг энг муҳим жиҳати эканлигини ҳам инкор этмаймиз. Лекин, назмни насрдан фарқ қилдириб турадиган услубий воситалар, айниқса сўз қудратининг шеърдаги инъикоси таржимада ифода этилмаса, бадий фикр ўз хусусиятини йўқотса, унда шеърни оддий гапдан фарқи қолмайди, жозоба йўқолади. Қолаверса, Чўлпон шеърятининг бетакрорлигини таъминлайдиган асосий унсур, исталган мавзуда – хоҳ у ижтимоий, хоҳ сиёсий ёки хоҳ у муҳаббат мавзусида бўлсин сўз қудратининг чексиз ифодаси, рухий оғриқнинг шоир сатрларида жонли суръатда акс эттирилганлиги билан характерланади”¹⁰.

Баҳодир Аҳмедов “Қаландар ишқи” шеърдаги оҳанг, ритм, энг муҳими, шеърнинг асосий бадий воситаси ҳисобланмиш қофияни таржимада муваффақиятли бера олмаган. Николай Ильин эса шеърнинг

¹⁰ Мирзаева З., Шарқ юлдузи журнали, 2010 йил, 1-сон, 148-бет.

шакл ва мазмун уйғунлигини сақлаб қолишга интиланган. Ғазал жанрининг қофияланиш тартибини (*потерял – стал – не знал*) кўздан кочирмаган.

З.Мирзаева таъбири билан айтганда, таржимон асар руҳига кириб, асар маъзини ўзиники”га айлантира олсагина унинг ўгирмалари муваффақиятга эришади. Николай Ильин таржималари ана шундай муваффақиятли таржималардан биридир.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Мирзаева З., Шарқ юлдузи журнали, 2010 йил, 1-сон, 146-бет.
2. Hamdamov U. Jahon adabiyoti: modernizm va postmodernism.-Т.: “Akademnashr”, 2020, 87-бет.
3. Чулпан. Мгновения любви. Составитель и переводчик Н.Ильин. –Т.: “Mashhur-press”,2020, с.46.
4. Чулпан. Стихи.Перевод с узбекского Б.Ахмедова «Звезда Востока», N4, апрель 1993
5. Чўлпон.Танланган асарлар.4 томлик. 1-том.: -Т.: “Akademnashr”,2016, 60-бет
6. Эшонова З. Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилғуси... Жаҳон адабиёти, 1997 й., 1-сон, 161-бет